

## Рамазон ойига тайёргарлик масаласи муҳокама қилинди



16:11 / 22.02.2022 2325

Жорий йилнинг 21 февраль куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси «Қуръон ва тажвидни ўргатиш» бўлимида Рамазон ойида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги масжидларда хатм қиладиган қориларни суҳбатдан ўтказиш ҳайъати йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси фахрий доктори, Ўзбекистон мусулмонлари идораси «Қуръон ва тажвидни ўргатиш» бўлими мудир шайх Алижон қори раислигида ўтган ушбу йиғилишда Рамазон ойига муносиб тайёргарлик кўриш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.